

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 692-ҳадис

83-606

Амирликка, қозиликка ва бундан бошқа шу каби мұхим вазифаларға үзи сүраб, талабгор бўлиш ёки ўзини таклиф қилган кишини ўша мансабга таъйин қилишдан қайтарилигани ҳұсусида

1. Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Иккى амакиваччам билан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирдик. Улардан бири: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ азза ва жалла сизни волий қилган жойларнинг бирортасига мени амир қилиб қўйинг», деди. Наригиси ҳам худди шундай деди. Шунда у зот: **«Аллоҳга қасамки, биз бу ишга уни сўраган кишини ҳам, унга ҳарис бўлган кишини ҳам бошлиқ қилмаймиз»**, дедилар».

Мұттағақүн алаіх.



NUBUVVAT MARVARIDLARI